ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ САРИ

Рисола

Тўлдирилган иккинчи нашри

TDIU
kutubxonasi
h/v 7434/33-82
кормот

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017

УЎК 338.1:38(09)(575.1)
КБК 66.3(5Ў)
Ҳ 29

Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. / Нашрга тайёрловчилар: М.Бекмуродов, Қ.Қуронбоев, Л.Тангриев. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 108 б.

Мазкур рисолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган ноёб ҳужжат – 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатимиз тараққиётини барча соҳа ва тармоқларда янги босқичга кўтариш борасидаги ўрни ва аҳамияти атрофлича ёритиб берилган, биз учун энг олий қадрият бўлган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланган эркин ва фаровон жамият барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳлил этилган.

Рисола давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари, маҳалла институти фаоллари, тарғиботчилар, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида билим ва тасаввурга эга бўлишни истаган барча инсонлар учун мўлжалланган.

УЎК 338.1:38(09)(575.1)
КБК 66.3(5Ў)

ISBN 978-9943-4919-6-0

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017

Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделини қатъий амалга оширишдан иборат.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КИРИШ

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг **бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси** тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берадиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир, десак, айни ҳақиқат бўлади. Бу кенг кўламли, ноёб ҳужжат давлатимизнинг барча соҳаларида янгича ёндашув ва мезонларни жорий этиш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида ташаббускорлик, тадбиркорлик, элу юртимиз тақдири ва келажаги учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини ошириш, аниқ тизим асосидаги самарали фаолият тартибини жорий этишда тобора ҳал